

## ШАРТНОМА № 2/06

“ 21” Июн 2022 йил

Марғилон шаҳар

"ЯТТ" Юнусов Бобирхон Сабирович бундан буён бир томондан «Ижрочи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан РИКИАТМФВМФ номидан У.А.Абдухалипов низом асосида иш юритувчи бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» ўзига тегишли бўлган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) ларни сотиш, «Буюртмачи» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) лар учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Матрац размер 200/80 материал х/б вата 8 кг количестве	дона	30	182800	5484000
2	Одеяло размер 200/150 - количестве	дона	30	151800	4554000
3	Постельное бельё материал х/б 140 грамаж (простыня 200/150 см, пододеяльник 205/150 см, наволочка 65*65 см	комплект	50	179800	8990000
4	Подушка размер 65/65 см синтфон, вата	дона	30	66800	2004000
					21032000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 21032000 (Йигирма бир миллион ўттиз икки минг) сум.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» товар учун олдиндан шартномада кўрсатилган сумманинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан қолган 70% тўлов амалга оширилгандан сўнг, «Ижрочи» томонидан товарлар (ишлар, хизматлар бажарилиб) етказиб берилиб, ҳисоб фактуралар тақдим қилинади.

3.3. Товарлар «Ижрочи» нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро қелишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Ижрочи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 15 кун муддат ичида «Буюртмачи» га етказиб бериши шарт.

### V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар еки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи» нинг талабларига мос келиши шарт.

## **VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. «Ижрочи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи» га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги туғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Ижрочи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу туғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Ижрочи»ни огоҳлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича туловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## **VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Ижрочи» «Буюртмачи» нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,5 % миқдорида «Буюртмачи» га пеня тулайди, лекин пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган махсулот баҳосининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Буюртмачи» томонидан олинган товар еки махсулот учун туловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Ижрочи» га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ булмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## **VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга қура ва енгиб булмас қуч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари туғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган қуч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш еки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## **IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Узро келишилмаган такдирда мавжуд низо хужалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «21» июндан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (булими)да рўйхатдан утқазилганидан сунг қонуний қучга қиради.

## Х. ШАРТНОМАЛАРНИ ЮРИДИК МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ ҚЎЙИДАГИЧА ТЎЛДИРИЛИШИ ЛОЗИМ:

«Ижрочи»

**"ЯТТ" Юнусов Бобирхон Сабирович**

(мол етқазиб берувчининг номи)

Манзил: Фаргона вилояти, Марғилон шаҳар,  
Темур Малик кўчаси 16 уй  
Тел./факс  
х/р: 20218000801022566001  
Банк номи :ФАРГОНА Ш., "ТИФ МИЛЛИЙ  
БАНКИ" АЖ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ  
ФИЛИАЛИ

МФО: 00493 СТИР: 559556734



Рахбар

Б.Юнусов

«Буюртмачи»

**РИКИАТМФВМФ**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фаргона тумани миндонобод  
Х/Р: 401421860302337073201054001  
ИНН: 203259784  
МФО:  
ОКОНХ: 91513  
Молия вазирлиги Ғазначилиги

Марказий банк Тошкент ш  
ХККМ МФО 00014  
Х/Р: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919



Рахбар:

У.А.Абдухапизов

### ХУКУКИЙ ХУЛОСА

1. Мен ушбу шартнома лойихасида тарафларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар ҳамда меърий ҳужжатлар билан тартибга солинганлигини;

2. Шартнома лойихасида унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари шартнома суммаси, муддатлар, мулкый жавобгарлик, низоларни хал қилиш тартиби ва бошқа қондалар шунингдек тарафларни давлат рўйхатидан утганлиги, мансабдор шахсларни шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда банк реквизитлари тулик ва тугри булиб, улар тулов қобилиятига эга эканлиги шартнома лойихасини қонунчилик ҳужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосланиб ҳулоса қиламан.

Ушбу шартнома лойихаси қонунлар талабларига мос келади ва уни имзолаш мумкин.

хуқуқшуноси: